



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2001 йил 27 октябрь, шанба №168 (1182)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон ва жаҳон

«Қаршиермопласт» заводи мамлакатимиз мустақиллиги йилларида ривожланишнинг оидин йўлига ўтган меҳнат жамоаларидан биридир. Технологик жараёнларнинг такомиллашганлиги, ҳўжалик юртишнинг янги усуллари қўлланилаётганлиги тўғрисида қорхонанинг иқтисодий қуввати ошиб бормоқда.

«ЭРМАФА» ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА

Таърибали мутахассис Ойбек Эгамов раҳбар бўлиб келгандан сўнг ишлаб чиқаришга чет эл сармояларини олиб кириш ва шу йўл билан қорхонани қолоқлик ботқоғидан чиқаришга киришилди.

— 1998 йилнинг бошида янги йўналиш бўйича ишлаб бошладик, — дейди у биз билан суҳбатда. — Қорхона ихтисослигини ўзгартириб дренаж қувурлари ишлаб чиқаришга киришди. Орадан бир йил ўтгач, зарарни қоплаб, фойда билан ишлаб бошладик.

Юртбошимизнинг тadbиркорлик, ўртада кичик бизнесни ривожлантириш, чет эл технологиясини

лан танишиб, юксак баҳо бердилар.

Саксониянинг иқтисодиёт ва меҳнат вазири жаноб Кайо Шоммер Ўзбекистон, шу жумладан Қашқадарё тadbиркорлари билан илмий алоқаларнинг мустақамланиб бораётганлигидан мамнун эканлиги ва бундай ҳамкорликни давом эттириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

— «Эрмафа» компанияси асбоб-ускуналарнинг ўрнатилиши Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиб бораётганлигидан далолат беради, — дейди завод директори О.Эгамов. — Яқинда яна бир хайрли ишга қўл урилди. «Эрмафа» билан «Қаршиермопласт» заводи ўртасида янги маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган асбоб-ускуналарни етказиб бериш бўйича шартнома тузилди.

Заводнинг режаларига катта Келгусида юқоридаги компания билан қўшма қорхона ташкил этиш мўлжалланмоқда. Шубҳа йўқки, бундай ибратли ишларнинг амалга оширилиши вилоят иқтисодиёти учун катта фойда келтиради.

ЎЛКИН.

Қарши туманидаги «Бешкент» кооператив ширкат хўжалигида пахта йиғим-терими давом этмоқда. Теримчилар дақиқалар қадрига етиб ишлаб бебаҳо бойликнинг бир мисқолини ҳам нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишга ҳаркат қилмоқдалар.

Суратда: йиғим-терим пешкадалари — опа-сингил Машхура ва Малоҳат Рўзиевалар.

Т.ХАМРОКУЛОВ олган сурат.



Жиззахдаги бир қатор қурилиш ташкилотларида кейинги пайтларда асосий ваҳлар рўқач қилиниб ходимларга иш ҳақини бермаслик, вазифасидан бўшаб кетганлар билан ҳисоб-китоб қилмаслик ҳоллари учраб турибди.

Буни Жиззах вилоят Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси Шукур ТОҶИҚУЛОВ шундай изоҳлайди:

— Қўмитамизга келаётган аризалар ходимлар ҳақ-хуқуқлари тармоқдаги иш бевуричлар томонидан бузилаётганини кўрсатмоқда. Жумладан, «Жиззахқўқурилиш» трестига қарашли 12-механизациялашган кўчма жамланмада ишлаб, ўтган йилнинг августидан то ҳозиргача иш ҳақини ололмаётган А.Кан, И.Милоева, Т.Авдониновлар бизга мурожаат қилишга, қурилиш раҳбари М.Муминжоновни огоҳлантирдик. У эса қуруқ ваъда билан қўмитани ҳам чалғитмоқчи бўлди. Лекин ушбу муаммони ижобий ҳал қилгунча қадар сайё-ҳаракатни бўшаштирмадик. Натижанда А.Канга 162711 сўм, И.Милоевага 168066, Т.Авдониновга 192638 сўмлик иш ҳақини ўндириб беришга эришдик. Шунингдек, мазкур

ҚАРЗЛАР УНДИРИБ БЕРИЛДИ

қорхонада ишлаб, Илгир гуҳ ногиронлигини олган Йўлдош Холиевнинг тоvon пулини ололмаётгани хусусидаги ариза ҳам ижобий ҳал қилинди. Қўмита аралашуви билан 51200 сўмлик тоvon пули ўз эгасига теғди. Шунингдек, Жиззах шаҳридаги масъулияти чекланган жамиятга қарашли 4-қурилиш-монтаж қорхонасидан О.Абдужабборов — 74154 сўм, Л.Смирнова 133704, В.Заманов 59300 сўмлик иш ҳақларини ололмаётганликлари ҳақида қилишганди. Шикоят хатида кўтарилган масала жойида ўрганилиб, ишловчилар талаби қондирилди. Яқинда 4-қурилиш-

Касаба уюшма аралашуви билан

монтаж қорхонасининг собиқ ишчилари Рашид Мағдиев ва унинг ўғли Равил Мағдиев, Хусан

бозор нархидан анча қиммат бўлганлиги сабабли ходимлар бунга рози бўлишмади, албатта.

Меҳнат Кодексининг 154-моддасига мувофиқ, қорхона молиявий аҳолидан қатъий назар, ходимга иш ҳақини вақтида тўлашга мажбур. Ушбу Кодекснинг 110-моддасига асосан ходим ишдан бўшаб ҳисоб-китоб қилишни талаб этган кунийёқ унинг ҳақи тўланиши шарт эди.

Бунда қурилиш қорхонаси раҳбари А.Махмудов томонидан бир неча ҳолларда қонун талаблари бузилишига йўл қўйилган.

Ана шуларни эътиборга олиб, аризаларнинг иш ҳақларини, ишдан бўшагандан кейинги ҳисоб-китоби, фойдаланилмаган меҳнат таътиллари, компенсация ҳамда уларга етказилган маънавий зарарни қоплаш юзасидан вилоят тармоқ қўмитаси юқорида номлари зикр этилган фуқаролар ҳуқуқий манфаатини кўзлаб, Жиззах шаҳар туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси киритди. Уйлаймизки, бу масала ҳам ҳадемай ўз ечимини топади.

ЎШ РАССОМЛАР КўРГАЗМАСИ

Республика болалар бадиий ижодиёти марказида «Асарлар тилга кирганда» мавзусида кўрғазма очилди.

Кўрғазмада давлатимиз раъмзлари, миллий урф-одатларимиз, истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари акс эттирилган юзга экин асар намоийш этилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, бу асарларнинг муаллифлари марказда ижод сирларини ўрганаётган 5 ёшдан 16 ёшгача бўлган ёш мусавирлардир. Улар ўз асарларида бундай улғувор мавзуларни нечоғли муваффақият билан акс эттира олганликларини баҳолаш томошабинлар ҳужмига ҳавола. Кўрғазма 30 октябргача давом этади.

БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЙ МАРКАЗДА

Белорус миллий маданий маркази раиси Л.Белозерова тadbирда таъкидлаганидек, Ўзбекистон мустақиллиги шарофати ўлароқ ташкил этилган маданий марказлар фаолияти мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларига ўз тили, маданий қадриятлари ва урф-одатларини ривожлантиришда муҳим омили бўлмоқда. Жумладан, биргина белорус миллий маданий марказида ўтган саккиз йиллик давр мобайнида амалга оширилган ишлар кўламининг кенглиги бунинг яққол мисолидир. (УЗА).

ОБУНА ЭНГ ЯХШИ МУКОФОТ!

Бошқа матбуот нашрлари қатори «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталарига ҳам 2002-йил учун обуна кизгин бормоқда. Муҳим ишда республика агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси, унинг жойлардаги ташкилотлари намуна бўлишмоқда. Ташкириятга йўлланган маълумотга кўра, АСМ ходимлари касаба уюшмаси Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоят қўмиталари, уларнинг қўйи бўғинлари томонидан «Ишонч»га шу кунгача 1287 та обуна қилинди. Кўйида шу хусусдаги фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Биз республика газети ва журналларига ёзилишни эркин, том маънода ихтиёрийлик асосида олиб бораёғимиз. Ҳар кимнинг ўз сеvimли на-

мат бурчи билан жойларда бўлганимда албатта обунанинг кетиши билан қизиқаман. Айниқса, АСМ ходимлари касаба уюшмаси Бухоро (раиси Ю.Қурбонов), Фарғона (раиси С.Аҳмадуллоев), Хоразм (раиси М.Юсупов) вилоят қўмиталарида ташкилотчилик ишлари намуна олиб берилмоқда. Оқдий кишилар — пахтакорлар, чорвадорлар, тadbиркорлар, ишчи-хизматчиларнинг таъкидлашларига, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси газета-

ларида қайта тиклашибди. Шунингдек, иш ҳақи, тоvon пулини ўндириш масалаларида ҳам изчиллик сезилмоқда. Урни келганда масъулиятли участкаларда омилкорлик, фидойиллик, ташаббускорлик кўрсатиб ишлаётган кишилар фаолияти ҳақидаги лаъва, очерклар, кичик ва ўрта бизнес имкониятлари, тadbиркорлар йўлидаги говлар, қолаверса, ахлоқ-одоб мавзусидаги мақолалар кўпроқ бўлишини хоҳлардик.

Ш.ЭСОМБОВ, Ўзбекистон АСМ ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмитаси раиси.

Шарҳловчи минбари АХБОРОТ ОРТИДАГИ СИЁСИЙ МАНФААТЛАР

Америка Қўшма Штатлари Афғонистондаги террорчилик нукталарини йўқотишга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлагандан сўнг дунё ахборот хизматларининг диққат-эътибори бевосита ушбу минтақаси қаратилди.

Гарчанди афғон муаммоси йилгирма йилдан ошқ вақт мобайнида «яшаб» келаётган бўлса-да, дунёнинг етакчи оммавий ахборот воситалари учун бу мавзу унчалик ҳам эътибордаги масала эмасди. Айни кунда эса дунёнинг деврли ҳамма газеталари Афғонистон ҳақида ёзапти, телевидение шу ҳақда гапираяпти, худди Афғонистондаги террорчилик марказлари 2001 йил 11 сентябрдан кейин пайдо бўлгандек. Айни вақтда Афғонистон борасида оммавий ахборот воситалари қўрсатаётган ўта фаоллик ҳам улар зиммасига янада катта масъулият юкни ташляпти.

Афғон ахборот хизматлари, газеталар тарқатилган хабарлардан оммавий ахборот воситаларининг ҳаммаси ҳам ўз зиммаларидаги бу масъулиятни тўла ҳис эътиёганини кузатиш мумкин. Бунда журналистларнинг шов-шувга ўчилиги, ҳеч қандай ўҳшамасликка интилиши ва ёки ҳеч қим айтмаган гапни айтишга бўлган иштиёқини, албатта, эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Аммо тарқатилмаётган айрим ахборотлар замирида ҳудудга сиёсий манфаатлар ҳам ётадики, буни, бахтга қарши, ҳамма

ЎҚИЛГИ ҚАЧОН КЕЛАДИ?

Қизилтепа туманида ҳам киши мавсумга тайёргарлик ишлари кизгин бормоқда. Туман халқ таълими бўлимига қарашли мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари, шифо масканлари ёз ойларидаёқ пухта таъмирдан чиқарилди. Жумладан, мавжуд 38 мактабдан 4 таси тубдан, қолганлари жорий таъмир қилинди. 500 метр куб ойна олиниб, синф деразалари тўла бутланди.

Бу йил касалхоналар учун қишга 14 тонна сабзавот маҳсулотлари, ғамлаш режалаштирилган бўлса, шундан 6 тоннаси шу кунгача тайёрлаб қўйилди. Қолган 8 тоннаси учун тузилган шартномаларнинг бажарилиши назорат остига олинган. Егин-сочинли кунларнинг бошлангани кишининг эрта келишидан дарак бермоқда. Шу боисдан мавжуд чорвачилик ферма-отарлари

қишга барвақт ҳозирланди. Хўжаликларга теғишли 40 та қорамолчилик, 9 та паррандачилик фермаларида сўнгги тайёргарлик ишлари кетмоқда. Озуқа тайёрланадиган 25 буғ қозонидан 20 таси шу кунгача тайёр ҳолатга келтирилди. 11 тонналик озуқа базаси яратилди. Шу билан бирга таълим-тарбия масканларининг суяқ ёқилги ва кўмирга бўлган та-

лаби ҳамон қондирилмасдан келинмоқда. Бу йил 7 мактаб суяқ, 4 мактаб кўмир ёқилгиси билан иситилади. Бунинг учун туман эҳтиёжига 364 тонна печ ёқилгиси, 118 тонна кўмир талаб этилади. Айни шу кунларда захирада бор-йўғи 4 тонна суяқ ёқилги, 69 тонна кўмир бор, холос. Айниқса, печ ёқилгиси топиш муаммолигича теғилди. Бунга мутасадди бўлган ташкилотлар турли ваҳ-

ларни рўқач қилишдан чарчашмаяпти. Вақт эса кутмайди. Эрта-индин бошланадиган қорли-қировли кунларда ўқувчилар билан совуқ хоналарда қандай машғулот олиб бориш мумкин? Шундай экан, бу масалага теғишли ташкилотлар жиддий эътибор қаратсалар айни муддао бўларди. Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

НУКУСДА ХАЛҚАРО ТУРНИР

28 октябр кўни Нукус шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўзбек кураши бўйича аънавий III-халқаро турнир бошланади. Мазкур мусобақада катнашиш учун Нукусга жаҳоннинг ўн бешдан ортиқ мамлакатидан полвонлар ташриф бўйрди.

Юртбошимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан ўзбек миллий кураши халқаро майдонга чиқди. Халқимизнинг миллий ифтихорига айланган курашни дунё тан олмақда. Жаҳон биринчилиги ва турли даражадаги халқаро турнирларнинг тез-тез ўтказилиши бунинг исботишидир. Шу боис мазкур халқаро турнир мусобақалари ҳам қизгин баҳсларга бой бўлиши кутилмоқда. Чунки унда дунёнинг кўпгина энг қучли полвонлари мутоқ ваънда бел олишади.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ҳамда Ўзбекистон Кураш миллий федерацияси томонидан ташкил этилган нуфузли беллашуви юқори савияда ўтказиш учун Нукусда барча шароит яратилган. (УЗА).

МУҚАДДАС ҚАДАМЖО



Самарқанддаги буюқ муҳаддис Имом ал-Бухорий таваллудини 1225 йиллиги муносабати билан муқаддас қадамжонинг барпо этилганига 3 йил тўлди. Ўтган қисқа давр мобайнида ушбу макбара ўзига хос зиёратгоҳлардан бирига айланди.

Мамлакатимиз Президенти ушбу макбаранинг очилиши маросимида таъкидлаганларидек, Ўзбекистонда туғилиб вояга етган Имом ал-Бухорий ўз илми билан ислом дини келиб чиққан Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунаввара аҳли ва барча дин пешволарининг таъсирини сезиб бўлди. Шу кунларда унинг руҳини шод этиб амалга оширилаётган тадбирлар аллоمانинг асрлар оша барҳаётлигидан далолат беради.

Буюқ бобокалонимиз, халқимизнинг муносиб фарзанди муҳаддис олим Имом ал-Бухорийга атаб барпо этилган бу гўзал макон ислом аҳли учун муқаддас қадамжолардан бири эканлиги барчага маълум. Бу ўз навбатида ҳукуратимиз томонидан миллий маънавиятимиз, ўзлигимизни англаш борисиди қилинаётган саъй-ҳаракатлардан далолат беради.

Суратда: Имом ал-Бухорий мажмуи. Тохир НОРКУЛОВ (Ўза) олган сурат.

Газетхон илтимосига кўра

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 декабрдаги «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори узоқ тарихимиз қўзғуси бўлмиш музейларга бўлган эътиборни янада ошириди. Республикаларда фаолият кўрсатиб келаётганлари қайта таъмирланиб, янги экспонатлар билан бойитилди, шунингдек, қўллаб янги музейлар ташкил этилди.

ТАБИАТ МУЗЕЙИ

— Марказий Осиёдаги энг кўна илмий-маърифий муассасаларидан бири, бу Ўзбекистон Давлат табиат музейидир.

ган муассаса сифатида Фанлар Академияси тизимига ўтказилиб, «Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Табиат музейи» номи билан ривожланиб кетди. Натижада музей илмий ходимларининг бир қисми фундаментал илмий муаммолар билан шугулланишга жалб этилди.

1960 йилнинг май ойида маҳаллий олимларимиз ташаббуси билан музейни табиат экспозициялари билан илғор ландшафт услубиёти асосида қайта жиҳозлашнинг истиқболли режаси тасдиқланди. Бинобарин, ўша пайтда айрим қотирилган ҳайвонлар, ўсимлик гербарийлари ва баъзи биогурӯхлардан иборат бўлган экспозициялар тўлиқ бир кўргазма мажмуасини ташкил этмас, бу эса томошабинларда табиатимиз тўғрисида қизиқарили, яхлит ва бой таасирот уйғотолмасди. 1963 йил — ЎзФА тизимидан чиқарилиб, Маданият ишлари вазирлиги ихтиёрига ўтказилган даврдан бошлаб музей илмий ходимлари асосий диққат-эътиборни илмий-маърифий ва маданий-оммавий ишларни кучайтиришга қаратдилар. Аҳоли ўртасида табиат тўғрисидаги билимларни кенг тарғиб қилиш мақсадида жойларда кўча кўргазмалар ташкил қилинди.

Мустақиллик йилларида Давлат табиат музейида том маънода ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Эътиборлиси, пойтахтимизнинг турли қорхона ва ташкилотларида муассаса илмий ходимлари томонидан ўқилаётган маърузалар сони сезиларли равишда ортиб, олий ва ўрта махсус ўқув юртлири ўқувчи-талабалар билан олиқалар яхши йўлга қўйилган. Ўз ишига маъсул этилган қараётган музей ходимлари томонидан мактаб ва лицейларда «Ўзбекистон табиатини муҳофаза этиш», «Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши», «Шаҳримиз қушлари», «Ўсимлик дунёсининг ривожланиши», «Табиат манзаралари» каби мавзуларда маърузалар, кўргазмалар, урчувлар ўтказилмоқда.

Одил ЭРГАШЕВ.

Буни ҳаёт дейдилар

ЁНҒОҚ ДАРАХТЛИ УЙ

Тошкентнинг ош сузиб келинар, «Кўкча» ва «Катта ҳовуз» даҳаларининг ўртасида, ҳозирги шаҳар шифохонаси мажмуининг ортида сўлим боғ бўларди. Енгил-ёлпи қурилган юқкагина деворлар у ердаги хонадонларни бир-биридан номигагина ажратиб турарди. Аслида ёмғирда ювилиб, қаттиқроқ эсан шамолда тебраниш ҳолига келиб қолган паҳса деворнинг туйнуқларидан, пастаккина ёғоч панжаранинг устидан кўнжқўшни бир-бирига ош, мева, эндигина тандирдан чиққан қулча, сомса узатардилар. Тор, узоқларга чўзилиб кетган йўлакларни негадир «жин кўча» дердилар.

Баланд ёнғоқ дарахти қалин соя ташлаб турадиган шундай йўлаклардан бири Зокировлар хонадонига бошлар эди. Бу уйнинг эшиги бирор марта тамбалаб, қулфлаб қўйилганини эслай олмайман. Йўлакда йўталсанг ёки эшикни зулфи билан аста тақиллатсанг «лаббай, марҳамат, кираверинг, ҳозир...» деган таниш овоз эшитиларди. Мехмонга пешвоз Шоиستا опа ёки Карим ака Зокировлар чиқардилар. Саломаликдан сўнг ҳазил ҳам бўлар, гина сўзлари ҳам айтилар, фотиҳа ўқилиб Шоиستا опа ёған дастурхонга Карим акамизнинг таклифи билан марҳамат қилинган, бир пиёла чой устида мезбон билан суҳбат бошладик. Карим ака: — Сизни Шоиستا опангиз билан бир тарихий шахсга ўхшатамиз. Жуда ўхшайсиз-а! Телевизорга чиқишингиз билан шуни гапирамиз. Кино олинса, ҳеч қандай гримсиз ўша ролни ижро этсангиз бўлади! — дердилар. Бу орада қўлбола

мириқиб тамадди қилган суҳбат давом этарди: — Хонанда ашулани завқ-шавқ билан айтади керак, ҳар бир байтнинг мазмунидан келиб чиқиб сўзларга, сезилар-сезилмас имо-ишорага урғу бериши керак, лозим бўлса оғизни бемалол очиб ашула айтиш керак, — дердилар-да. «Эшвой» ёки Мулладўстнинг ашуласини («Майсаранинг иши» операсидан) хиргойи қилар, баъзан эса баралла айтардилар ҳам. Буни қарангки, ҳазил-мутойбага ҳамма ўч бўлган, Мулладўстдек ҳажвий ролни ўринлаштириб ўйнаган Карим Зокиров фарзанди доғда қолганида ўзгариб кетдилар. Науфал исмли фарзандлари бевақт қазо қилганида бамисоли чўкди. Маъракаларга борганимизда ота миннатдорчилик билдирар, баъзан эса аввалгидек ҳазил қилмоқчи бўлардилар. Биз эса дардларини ҳис этиб, таскин беришга уринар, кўз ёшларини кўриб эзилардик.

Ойлар ўтиб, маҳаллада кимдир бандликни бажо келтирганида Карим ака кўп қатори жаназага, сўнгра қабристонга борганлар. Науфал ҳам ўша ерда мангу йўқда эди. Карим ака ўғлининг қабрини кўриб, заҳ ёрни кўчоқлаб ётган. Бу меҳрибон отани ҳеч ким кўзгата олмаган. У узоқ, унсиз йўлга, У ўғлини соғинган, уни истаб гўристонга келган. Ўғлининг қабрини кўчоқлаб ётган отанинг қайғу-аламининг чеки йўқ эди. Айтишларича, Карим ака шу-шу ўзларига келмаганлар...

Ҳамидулла АҚБАРОВ
(Давоми бор).



ҚАРИЛИК ВА ЙИГИТЛИК ҲАҚИДА

Эй фарзанд, сен ҳар қанча йигит бўлсанг ҳам, ақлинг қари бўлсин. Мен сенга: «Йигитларга ўхшамагил» демоқчи эмасман. Йигитлики мукамаллаштир, енгил табиилатли йигитлардан бўлма, йигитларга оғирлик муносибдир ва дошиманд Аристотелис дебди: «Йигитлик жунунинг бир навидидир». (Лексин сен) жоҳил йигитлардан бўлмагилки, жоҳилликдан бало пайдо бўлади.

Эй фарзанд, ҳушёр бўл, йигитлик вақтингда тақаббур бўлма...

Ҳамма вақт йигитлар билан ҳамсуҳбат бўлаверма, қарилар билан ҳам ҳамсуҳбат бўл. Мажлисини ҳам қарилар, ҳам йигитлар суҳбати билан зийнатла, (чўкки) қариларнинг билганини йигитлар билмайдилар.

Йигит ўзини ҳаммадан доно деб билади, аммо шу иши билан ҳаммадан нодондир. Бас, эй фарзанд, ана шундай йигитлардан ҳисобланма, қариларни ҳурмат қил, уларнинг ҳақида беҳуда сўз айтма, уларнинг олдида одоб ва камтарлик билан сўзла.

Ҳикоят. Шундай эшитганманки, юз ёшга кирган ва қадди ёйдек бўкилган бир қари киши кўлига хасса ушлаб борар эди. Бир йигит уни масҳара қилиб деди: «Эй шайх, ушбу ёшни қанчага сотиб олдинг, айт, мен ҳам сотиб олай». Шайх: «Агар узоқ яшасанг, сабр қилсанг, бу ёшни сенга текинга берадилар», — деб жавоб берди.

«Кобуснома»дан.

Хандалар

АЙБ ДАДАМДА

— Бу қанақаси, Насриддин — деди ўқитувчи. — Тўртинчи синфда «беш»га ўқиган эдинг, бешинчида эса «чикки»га тушиб қолдинг?

— Дадам бешинчи синфда ўқимаган эканлар, — деб жавоб берди Афанди.

ГАПНИНГ РОСТИ

Афанди сув сотувчига: — Ярим стакан сув беринг, — деди.

— Нега ярим стакан? — Чўкки, бари бир, сиз ярим стакан куясиз-да! — жавоб берди Афанди.

КУЛА-КУЛА ҲАҚИДА

Сотувчи харидорлардан бирига «Кулгили ҳикоялар» китобини узатиб:

— Шу китобни олинг, жуда қизиқ, ўқиб кула-кула ўласиз, — деди.

— Ўзингиз бунни ўқиганмисиз? — сўради харидор.

Уларнинг гапига қулоқ солиб турган Афанди:

— Уқига бўлса, тиррик қоларми, — деди.

ТЎҒРИ МАСЛАҲАТ

Бир бемор Афандига ҳасрат қилди:

— Ўзимни иккита докторга кўрсатган эдим, иккиси икки хил маслаҳат берди, бири денгизга бор, иккинчиси пиёда юр, — деди.

— Унда денгизга пиёда бора қолинг, — деди Афанди.

Биласизми?

«ТУЗ» СОЛИФИ

Ҳиндистондаги Леваналуптра шаҳрининг номини ўзбекчага ағдарсақ, «туз шаҳри» дегани бўлади. Ҳиндистонда шарофатли нэमत — туз билан боғлиқ бўлган бошқа шаҳарлар ҳам бор.

Афсуски, шундай бўлса-да, инсоният тарихида энг катта солиқ Ҳиндистонда Британия мустамаққачилари жорий этган туз солиғи эди. У туз нарҳига кўра 4000 фоизни ташкил этган ва тўрт кишидан иборат оила ўз даромадининг 17 фоизини туз солиғига сарфларди.

Инглиз қорчалонлари учун қони фойда бўлган тузнинг бошқа ҳудудлардан олиб кетилишига йўл қўймайлик учун Ҳиндистон ярим оролининг атрофи 2400 километр масофада бамисоли Буюқ Хитой деворидек тўсиб чиқилган.


А.АЛИЕВ.

АЙЛАНМА

КРОССВОРД

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат милли йўналишида: 1. Алишер Навоий устоз деб билган мумтоз шоир, «Гул ва Наврӯз» достони муаллифи. 2. Утмишни ўрганувчи билим. 3. Абдураҳмон Жомий: «Ичи гўнча каби варақ — варақдир». 4. Кимматда ҳар варақ табақ-табақдир. — деб таърифлаган манба. 4. Билим даражаси, маълумот. 5. Тафаккур қонунлари ҳақидаги фан. 6. Синф жиҳози. 7. Мақолдан: «Нодон сўзлар, доно... олар». 8. Ижоддаги маълум йўсин. 9. Илм олувчи. 10. Куйидаги мисраларни ёзиб қолдирган шоир: «Агар ҳаёт буюстон бўлса, боғбон муаллим...»

11. Урнак бўла оладиган нарсаси, воқеа. 12. Болалар наشري. 13. Билимдонликдан фахрлиши ҳисси. 14. Илмфан тараққиётига ҳисса қўшган мумтоз шоир, олим темирйўзда ҳукмдор. 15. Илмфан соҳаларини мукамал эгаллаган инсон. 16. Араб ҳарфлари асосидаги ҳисоб. 17. «Эски мактаб» асари муаллифи.



ЧАЙНВОРД

1. Билим олиш. 2. «Алифба» дарслиғи муаллифи, устоз муаллим. 3. Фафур Фуломнинг фалсафий шеъри. 4. Тарбия, ахлоқ-одоб. 5. Ўтган аср бошларида замонавий мактаблар очиб ташаббускори, дар

слиқлар муаллифи. 6. Ўзбекистон Қаҳрамони уновнига сазовор бўлган муаллими. 7. Бадиий иходни ўрганувчи фан. 8. Турли соҳаларда қўлланилаётган замонавий техника. 9. Ҳисоб илмининг қадимий номи. 10. Ижодкорлар ҳақида маълумот ва шеърлардан намуналар келтирилган тўплам. 11. Маърифат ҳомийси: «Керак тарбият ёшликдан демак. Улуғ бўлса лозим келур гам емак.» — ҳикматли мисраларни муаллифи. 12. Муаррихлар ёзиб қолдирган манба. 13. Энг юқори баҳо. 14. Ахлоқ илми дарси. 15. Математик ҳисобнинг бир тури. 16. Мансаб, амал. 17. Эъзоли касб эгаси. 18. Билим ва тарбия маскани. 19. Олий таълимнинг дастлабки босқичи. 20. Илмий ёки бошқа турдаги асарнинг муктабар баёни. 21. Ҳаётда ўзлаштирилган билим, малакалар мажмуи. 22. Негиз. 23. Тилшунослик бўлими. 24. Ҳикमतдан: «... кўрки — маҳал». 25. Ақл-идрок. 26. Сўзлашув илми. 27. Инсоний фазилат. 28. Ўзбекистон ёшлари жағмармаси. 29. Иш-хунар, ахлоқ - одоб ўргатиш фаолияти мажмуи. 30. Меҳрибонлик, эзгулик.

Фозилжон ОРИПОВ.